

УЎК: 633.14; 631.559

КУЗГИ ЖАВДАР НАВЛАРИ 1000 ДОНА ДОН МАССАСИ

¹Омонов Ҳасан Фармонович - к.х.ф.н, доцент. E-mail: qxj_325@mail.ru²Ёдгоров Нормумин Гуломович - к.х.ф.ф.д., катта илмий ходим. E-mail: ynormumin@mail.ru. ORCID: 0000-0003-4716-9981¹Ҳасанов Бобур Рустам ўғли - таянч докторант. E-mail: ynormumin@mail.ru¹ «ТИҚХММИ» МТУнинг Қарши ирригация ва агротехнологиялар институти. Қарши ш., Ўзбекистон²Жанубий деҳқончилик илмий-тадқиқот институти, Қарши ш., Ўзбекистон.

Аннотация: Мақолада Қашқадарё вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида кузги жавдар навлари 1000 дона дон массасига экиш муддати, меъёри ва маъдан ўғит меъёрларининг таъсири ўрганилган ва таҳлил қилинган. Таҳлилларда кузги жавдар «Ns Savo» ва «Вахшская 116» навлари мақбул (01-05.10) муддати, гектарига 5,0 млн. дона уруғ ҳисобида экилиб, маъдан ўғитларнинг N₂₀₀P₁₀₀K₇₅ кг/га меъёри қўлланилганда, навларга мувофиқ 1000 дона дон массаси 27,0 ва 25,9 г.ни ташиқил этган ҳолда юқори ва сифатли ҳосил етиштиришни таъминлади.

Калит сўзлар: жавдар, нав, экиш муддати, экиш меъёри, маъдан ўғит меъёри, 1000 дона дон массаси, «Ns Savo», «Вахшская 116»

Abstract: Under the conditions of light gray soils of the Kashakadarya region, the influence of the timing and norms of sowing, the norms of applying mineral fertilizers per 1000 grains of winter rye varieties was studied and analyzed. In the analysis of the winter rye variety "Ns Savo" and "Вахшская 116" when sowing at the optimal early date (01-05.10) and the rate of 5.0 million seeds/ha, as well as when using N₂₀₀P₁₀₀K₇₅ kg/ha of the rate of mineral fertilizers, the weight of 1000 grains is 27.0 and 25.9 g, which ensures a high and high quality crop.

Key words: rye, variety, sowing date, sowing norm, mineral fertilizer rate, mass of 1000 grains, «Ns Savo», «Vaxchskaya 116».

Аҳолини озик-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтёжини қондиришда кишлоқ хўжалиги экинларининг ўрни бекиёсдир. Ана шундай экинлардан бири жавдар экини бўлиб, аҳолини дон ва парҳезбop ҳамда инсон саломатлиги учун фойдали маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини қондиришда муҳим ўрин тутди. Унинг дони нонбop ун ишлаб чиқаришда қўлланилади. [1, 2, 3].

Шу жумладан, мамлакатимизда жавдарнинг янги навларини яратиш, ҳамда хориждан келтирилган навларини турли минтақа иқлим-шароитларида етиштириш агротехникасини ишлаб чиқиш орқали сифатли ва юқори ҳосил етиштириш пировардида аҳолини фойдали озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, бугунги кундаги долзарб аҳамиятга эга вазифалардан ҳисобланади.

Жавдар экинининг аҳамиятидан келиб чиқиб, бизнинг тадқиқотлар Жанубий деҳқончилик илмий-тадқиқот институти Қарши тумани Я.Омонов ҳудудидаги тажриба майдонида, кузги жавдарнинг «Ns Savo» ва «Вахшская 116» навларини экиш 01-05.10 ва 20-25.10 муддатларда, гектарига 4,0; 5,0 ва 6,0 млн. дона меъёрида, 1 та мутлоқ назорат (ўғитсиз) ва 2 та маъдан ўғитлар N₂₀₀P₁₀₀K₇₅ ва N₂₄₀P₁₂₀K₉₀ кг/га меъёри қўлланилганда 1000 дона дон массасига таъсири аниқланди.

Тадқиқотларимизда кузги жавдар навлари 1000 дона дон массаси тажриба вариантлари бўйича 18,0 г дан 29,7 г гача ўзгариб боргани аниқланди.

Таҳлилларимизда кузги жавдар навлари экишнинг 01-05.10 муддатида вариантлар бўйича 1000 дона дон массаси 19,2-29,7 г бўлган бўлса, экишнинг 20-25.10 муддатида кўрсаткичлар 18,0-26,5 г ёки 3,5 г.гача паст бўлгани қайд этилди (1-жадвал).

Тадқиқот натижаларига кўра 1000 дона дон массаси бўйича энг юқори кўрсаткич кузги жавдар навларини экиш 01-05.10 муддати, гектарига 4,0 млн. дона уруғ меъёрида олиб борилиб, маъдан ўғитларнинг N₂₄₀P₁₂₀K₉₀ кг/га меъёри билан озиклантирилган 3-вариантда «Ns Savo» нави 29,7 г ни ташкил этган бўлса, энг паст кўрсаткич экишнинг 20-25.10 муддати, гектарига 6,0 млн. дона уруғ меъёри ва назорат (ўғитсиз) бўлган 16-вариантда «Вахшская 116» нави 18,0 г ёки 11,7 г.га кам бўлгани аниқланди.

1-жадвал

Турли омилларнинг кузги жавдар навлари 1000 дона дон массасига таъсири, г.

№	Навлар	Экиш меъёри	Маъдан ўғит меъёрлари, кг/га	Экиш муддати 01-05.10	Экиш муддати 20-25.10
1	«Ns Savo»	4,0 млн.дона/га	Назорат (Ўғитсиз)	21,8	20,5
2			N ₂₀₀ P ₁₀₀ K ₇₅	27,6	25,0
3			N ₂₄₀ P ₁₂₀ K ₉₀	29,7	26,5
4		5,0 млн.дона/га	Назорат (Ўғитсиз)	20,9	19,9
5			N ₂₀₀ P ₁₀₀ K ₇₅	27,0	24,1
6			N ₂₄₀ P ₁₂₀ K ₉₀	24,5	25,9
7		6,0 млн.дона/га	Назорат (Ўғитсиз)	19,9	18,8
8			N ₂₀₀ P ₁₀₀ K ₇₅	23,2	22,2
9			N ₂₄₀ P ₁₂₀ K ₉₀	23,8	23,1
10	«Вахшская 116»	4,0 млн.дона/га	Назорат (Ўғитсиз)	21,1	19,8
11			N ₂₀₀ P ₁₀₀ K ₇₅	27,0	24,2
12			N ₂₄₀ P ₁₂₀ K ₉₀	28,8	25,3
13		5,0 млн.дона/га	Назорат (Ўғитсиз)	20,2	19,1
14			N ₂₀₀ P ₁₀₀ K ₇₅	25,9	23,5
15			N ₂₄₀ P ₁₂₀ K ₉₀	24,0	24,8
16		6,0 млн.дона/га	Назорат (Ўғитсиз)	19,2	18,0
17			N ₂₀₀ P ₁₀₀ K ₇₅	22,8	21,7
18			N ₂₄₀ P ₁₂₀ K ₉₀	23,3	22,4

Тадқиқотларимизда, экиш меъёрларининг гектарига 4,0; 5,0 ва 6,0 млн. дона ҳисобига ўзгариши, кузги жавдар навлари 1000 дона дон массасига салбий таъсир кўрсатгани маълум бўлди. Вариантлар кесимида экиш меъёрини ошириб бориш, бир майдонда ўсимликлар қалинлигининг ортиши ҳисобига, бир ўсимлик учун озиқа майдонининг камайиб, кичик донлар шаклланишига олиб келди.

Тадқиқотларимизда экиш меъёрининг гектарига 6,0 млн. донагача оширилиши оқибатида кузги жавдар ўсимликларининг ётиб қолиши кузатилди ва доннинг 1000 дона массасига салбий таъсири янада ортгани қайд этилди.

Жумладан, кузги жавдар навлари экишнинг 01-05.10 муддати, гектарига 4,0 млн. дона уруғ меъёрида экилганда, маъдан ўғит меъёрлари бўйича «Ns Savo» нави 1000 дона дон массаси 21,8-29,7 г, 5,0 млн. дона уруғ меъёрида 20,9-27,0 г, 6,0 млн. дона уруғ меъёрида 19,9-23,8 г. ни ташкил этган ҳолда, 4,0 млн. дона уруғ меъёрида 5,0 млн. дона уруғ меъёрига нисбатан 1000 дона дон массаси 0,9-5,2 г. га, 6,0 млн. дона уруғ меъёрига нисбатан 1,9-5,9 г. га кўп бўлган бўлса, экиш 20-25.10 муддатда олиб борилганда, гектарига 4,0; 5,0 ва 6,0 млн. дона уруғ меъёрларида 1000 дона дон массаси тегишлича 20,5-26,5 г; 19,9-25,9 г; 18,8-23,1 г. ни ташкил этган ҳолда, 4,0 млн. дона уруғ меъёрида 5,0 млн. дона уруғ меъёрига нисбатан 1000 дона дон массаси 0,6-0,9 г. га, 6,0 млн. дона уруғ меъёрига нисбатан эса 1,7-3,4 г. га кўп бўлгани қайд этилди.

Тадқиқотларимиздаги таҳлилларга кўра юқоридаги қонуниятлар кузги жавдарнинг «Вахшская 116» навида ҳам такрорлангани аниқланди. Бинобарин, экишнинг 01-05.10

муддати, гектарига 4,0; 5,0 ва 6,0 млн. дона уруғ меъёрларида маъдан ўғит меъёрлари бўйича 1000 дона дон массаси 21,1-28,8; 20,2-25,9 ва 19,2-23,3 г бўлган ҳолда, 4,0 млн. дона уруғ меъёрида 5,0 млн. дона уруғ меъёрига нисбатан 1000 дона дон массаси 0,9-4,8 г.га, 6,0 млн. дона уруғ меъёрига нисбатан 1,9-5,5 г. га кўп бўлган бўлса, экишнинг 20-25.10 муддатида экиш меъёрларига мутаносиб 1000 дона дон массаси 19,8-25,3 г; 19,1-24,8 г; 18,0-22,4 г. ни ташкил этган ҳолда, 4,0 млн. дона уруғ меъёрида 5,0 млн. дона уруғ меъёрига нисбатан 0,5-0,7 г. га, 6,0 млн. дона уруғ меъёрига нисбатан эса 1,8-2,9 г. га кўп бўлгани қайд этилди.

Маълумотларга кўра кузги жавдар навларига маъданли ўғит меъёрлари сезиларли таъсир этиб, унинг ортиб бориши билан 1000 дона дон массаси ҳам ортиб боргани маълум бўлди. Ушбу қонуниятга истисно сифатида экишнинг 01-05.10 муддати 5,0 млн. дона/га меъёрида, маъдан ўғитларнинг ($N_{240}P_{120}K_{90}$ кг/га) юқори меъёри қўлланилиши, ўсимликларнинг ётиб қолишлиги сабабли 1000 дона дон массасига аксинча таъсирини намоён қилди.

Масалан, экишнинг 01-05.10 муддати, экиш меъёрлари бўйича, маъдан ўғит қўлланмаган (назорат) вариантда кузги жавдарнинг «Ns Savo» нави 1000 дона дон массаси 19,9-21,8 г, маъдан ўғитнинг $N_{200}P_{100}K_{75}$ кг/га меъёри қўлланилган вариантда кўрсаткичлар 23,2-27,6 г. ни, маъдан ўғитнинг $N_{240}P_{120}K_{90}$ кг/га меъёри қўлланилганда эса 23,8-29,7 г. ни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткичлар экишнинг 20-25.10 муддатида мутаносиб ҳолда 18,8-20,5; 22,2-25,0; 23,1-26,5 г. ни ташкил этди.

Бунда экишнинг 01-05.10 муддатида, маъдан ўғит қўлланмаган (назорат) вариантга нисбатан маъдан ўғитнинг $N_{200}P_{100}K_{75}$ кг/га меъёри қўлланилганда, 1000 дона дон массаси 3,3-6,1 г. га, маъдан ўғит $N_{240}P_{120}K_{90}$ кг/га меъёри қўлланилганда ($N_{200}P_{100}K_{75}$ кг/га меъёрига нисбатан) 0,3-1,8 г. га кўп бўлган бўлса, ушбу таққослаш натижалари экишнинг 20-25.10 муддатида маъдан ўғит $N_{200}P_{100}K_{75}$ кг/га меъёрида назоратга нисбатан 3,4-4,5 г, маъдан ўғит $N_{240}P_{120}K_{90}$ кг/га меъёри қўлланилганда ($N_{200}P_{100}K_{75}$ кг/га меъёрига нисбатан) 0,9-1,5 г. га кўп бўлди.

Тадқиқотлар натижасида кузги жавдарнинг «Вахшская 116» навида олиб борилганда ҳам юқоридаги қонуниятнинг такрорлангани маълум бўлди. Бунда, экишнинг 01-05.10 муддати, экиш меъёрлари бўйича маъдан ўғит қўлланмаган (назорат) вариантда 1000 дона дон массаси 19,2-21,1 г бўлган бўлса, маъдан ўғит ($N_{200}P_{100}K_{75}$; $N_{240}P_{120}K_{90}$ кг/га) меъёрлари қўлланилган вариантда кўрсаткичлар 22,8-27,0 г ва 23,3-28,8 г. ни, экишнинг 20-25.10 муддати юқоридаги кўрсаткичлар мос равишда 18,0-19,8; 21,7-24,2; 22,4-25,3; г. ни ташкил этди.

Бунда, экишнинг 01-05.10 муддатида маъдан ўғит қўлланмаган (назорат) вариантга нисбатан маъдан ўғит $N_{200}P_{100}K_{75}$ кг/га меъёри қўлланилганда 1000 дона дон массаси 3,6-5,9 г. га, маъдан ўғит $N_{240}P_{120}K_{90}$ кг/га қўлланилганда ($N_{200}P_{100}K_{75}$ кг/га меъёрига нисбатан) 0,2-1,8 г. га, экишнинг 20-25.10 муддатида эса юқоридагиларга мувофиқ 3,7-4,4 ва 0,7-1,3 г. га кўп бўлгани қайд этилди.

Хулоса қилиб айтганда, Қашқадарё вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида кузги жавдарнинг «Ns Savo» ва «Вахшская 116» навларини экиш 01-05.10 муддатда, 5,0 млн. дона/га меъёрида ва маъдан ўғитлар $N_{200}P_{100}K_{75}$ кг/га меъёрини қўллаш юқори ва сифатли дон ҳосили олиш имкониятини яратади. Аксинча, экиш меъёрини 6,0 млн. дона/га гача ёки маъдан ўғитлар меъёрини $N_{240}P_{120}K_{90}$ кг/га гача ошириш ўсимликларнинг ётиб қолишига олиб келган ҳолда дон ҳосилининг камайишига сабаб бўлади.

АДАБИЁТЛАР

1. Адизов Р.Т., Эргашева Ҳ.Б., Бобоев С.Д., Гаффоров А.Х. “Дон ва дон маҳсулотлари товаршунослиги” –Тошкент. 2004. – Б. 80-85.
2. Гончаренко А.А., Тимошенко А.С. “Оценка сортов озимой ржи по антиоксидантной активности зерна” // Доклады РАСХН. – 2014. – №4. – Б. 3-7.
3. Сыуев В.А., Кедрова Л.И., Лаптева Н.К., Уткина Е.И. В зерне ржи – основа здоровья человека // Достижения науки и техники АПК” – №6 – 2012 г. – Б. 3-5.